

Бизнинг муқаддас вазифамиз — Ватан шону шухрати, құдрати ва салохияттинг юксалиши учун ўзимизнинг фидойи меңнатимиз билан муносиб ҳисса қўшишdir.

Ислом КАРИМОВ



ENLIGHTENMENT

XALQ ZIYOLILARI GAZETASI

معرفت

1931-yildan chiqqa boshlagan • E-mail: info@marifat.uz • 2012-yil 1-avgust, chorshanba № 61 (8502)

## TAQDIRIMSAN, BAXTIMSAN, ERKIN VA OBOD VATAN!

Мамлакатимиз ахли айни кунларда Ватанимиз мустақиллигининг 21 йиллигини ҳар жабхада муносиб кутиб олиш иштиёқи билан яшамокда. Мазкур кутлуг санаага бағишланган қатор тадбирлар ўтказилаёттири. Ўзбекистон Бадиий академиясининг кўргазмалар залида ташкил этилган Зулфия номидаги давлат мукофоти совриндорларининг «Суратларда Ватаним мадҳи» дея номланган кўргазмасининг очилиши маросими хам йигилгандарга ана шундай байрамона руҳ улашди.

## ИЛҲОМИМСАН, ЧАМАНЗОР ЮРТИМ!

Маълумки, жорий йилнинг август ойида Зулфия номидаги давлат мукофоти сохибаларининг анжумани бўлиб ўтди. Республика Хотин-қизлар кўмитаси тизимида мазкур тадбирга катта ҳозирлик кўрилгани ҳолда, совриндор қизлар билан юзма-юз сухбатлар ўютирилиб, уларнинг амалий ишлари

мониторинги олиб бориляёттири. Шу маънода «Суратларда Ватаним мадҳи» мусаввирилик, ҳайкалтарошлиқ, кулолчилик каби соҳаларда ижод қилаётган Зулфияхоним издошлари учун яна бир имтиҳон, тақдимот бўлди, деййшимиз мумкин.

(Давоми 16-бетда.)



### ГАЗЕТАНИ ВАРАҚЛАГАНДА:

#### ЯНГИ ЎҚУВ ЙИЛИ АРАФАСИДА

кимдир хотиржам,  
айримлар эса...

3 бет


#### МАЊАВИЙ ИММУНИТЕТ ВА МУСТАҲКАМ ОИЛА

улар ўртасида қандай  
ришта бор?

5 бет

#### ИСТЕМОЛЧИ ХАҚ-ХУКУҚЛАРИ – КОНУН ХИМОЯСИДА

8-9 бетлар



## АСОСИЙ ФАЛАБАЛАР – ОЛДИНДА

London – 2012

Сайёрамизнинг энг кучли атлетлари жамулжам бўлган Лондон шахрида олимпиада мусобакалари аллақачон бошланган, маълум спорт турлари бўйичағолиб ва совриндорлар номи хам аникланмоқда, медаллар ўз соҳибларига тақдим этилмоқда. Ана шундай оламшумул спорт байрамида ҳамюртларимизнинг хам муносиб иштирок этётгани, табиийки, қалбимизни ҳаяжон билан бирга чексиз фарҳу ифтитоҳга тўлдирмоқда.

(Давоми 15-бетда.)

## БУГУН 1 АВГУСТ!

Бу куннинг қадрини йиллаб ўқишига кириш учун ҳаракат қиласи, батъзан туни билан мижжа қўмай китоб варажлаган, бор имкониятни талабалик шоҳсупасига чиқиш учун сарфлаёттан ёшлардан сўранг. Кимлардир аллақачон ҳужжатларини ўзи қизиқкан соҳа бўйича таълим бериладиган олий ўқув юртига тошиш.

### Abituriyent-2012

риб, кўнгилни хотиржам қиласи ҳолда тест синовларига тайёргарлик кўраяти. Яна бирорлар «Бу йил нима қилсан экан?» деган ўйда. Ота-оналарнинг ҳаяжонини айтмайсизми! Хуллас, гальвир сувдан кўтариладиган палла.

Бу йил мамлакатимиздаги олий таълим муассасаларига 432 017 нафар абитетурентдан ариза тушганини эътиборга олсак, ёшларнинг илм олишига қизиқишилари йил сайин кучайиб бораёттанини сезиш мумкин. Гарчи синов палласи келган бўлса-да, абитетурентларга баззи мухим маълумот ва эътибор бериш керак бўлган жиҳатларни яна бир бор эслатиб ўтамиз.

(Давоми 2-бетда.)

Халқ таълими вазирлигининг навбатдаги ҳайъат йилишида вазирлик ҳайъат аъзолари, бошқарма ва бўлим бошлиқлари, Қорагақалпогистон Республикаси Халқ таълими вазири, вилюятлар ва Тошкент шаҳар ҳалқ таълими бошқармалари бошлиқлари, давлат педагогика ва малака ошириш институтлари ректорлари ва бошқа ташкилотлар раҳбарлари иштирок этди. Мажлисни Халқ таълими вазири, ҳайъат раиси Темур Ширинов олиб борди. Йилишида ҳалқ таълими тизимида жорий йилнинг биринчи ярмida амалга оширилган ишлар сарҳисоб қилиниб, соҳада ўзечими кутаётган масалалар муҳокама этилди.

Ҳайъат мажлисида 2012 йилининг биринчи ярмida таълим-тарбия сифати ва самародорлигини ошириш юзасидан амалга оширилган ишлар ҳолати ва иккичи яримйилликдаги асосий вазифалар: Мустақиллик байрами, янги ўкув йили ва куз-киш мавсумига тайёргарлик ишларининг бориши тўғрисида ахборот берилди.

Амалдаги йилда Болалар спортини ривожлантириш жамғармаси томонидан 170ta спорт обьекти ҳамда мусиқа ва санъат мактаблари

рини қуриш, реконструкция қилиши ва капитал таъмирлаш режалаштирилган. Ушбу мақсадлар учун жами 179,5 миллиард сўм молиялаштирилиши кўзда тутилган бўлиб, жорий йил 30 июнь ҳолатига 104 706,5 миллион сўм (64%) молиялаштирилган ҳамда 110 220,9 миллион сўм (63%)лик курилиш-монтаж ишлари бажарилган.

2011—2012 ўкув йилида билимлар беллашувининг

1-ўринни (89,7 балл), Тошкент шаҳри вакиллари 2-ўринни (86,67 балл), Навоий вилояти ўкувчилари Зўринни (86,11 балл) эгаллади.

Вазирлар Маҳкамасининг 2008 йил 13 октябрдаги «Ўзбекистон иқтидорли ёшларини тақдирлаш ва моддий рағбатлантириш тўғрисида»ги 226-сонли қарорига асосида 28—31 май кунлари Тошкент шаҳрида Түркменистан политехника уни-

зийд педагог кадрларнинг малакаси оширилган ишларни сарҳисоб қилиниб, мавжуд муаммоларни ҳал этиш юзасидан аниқ таклифлар билдирилди, мутасадди раҳбар-ходимларга тегиши кўрсатмалар берилди.

Педагог кадрларни қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш тизими фаoliyati-

зинида ҳалқ таълими тизимида амалга оширилган ишларни сарҳисоб қилиниб, мавжуд муаммоларни ҳал этиш юзасидан аниқ таклифлар билдирилди. Бироқ Вазирлар Маҳкамасининг 2006 йил 16 февралдаги «Педагог кадрларни қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш тизими янада тақомиллаштириш тўғрисида»ги 25-сонли қарори билан белгилаб берилган давлат талаблари, даврийлари, ўкув юкламаси, турлари ва шакллари ҳалқ таълими тизимида малака ошириш институтларининг барчасида ҳам самарали ташкил этилган, деб бўлмайди. Мавжуд муаммо ва камчиликларни бартараф этиш мақсадида амалга ошириштан чора-тадбирлар самародорлигини ошириш ҳақида фикр-мулоҳазалар, амалий тақлифлар билдирилди.

Ҳайъат йилишида, шунингдек, таълим муассасаларини аттестациядан ўтказиш ва аккредитациялаш режасининг бажаралиши ҳам муҳокама қилиниб, маъсул ходимларга тегиши кўрсатмалар берилди.

**Ҳалқ таълими вазирлиги  
ахборот хизмати**

ни янги сифат босқичига кўтариш омиллари тўғрисида вазирлик бўлими бошлиғи Б.Ялғашевнинг ахбороти тингланди. 2012 йилнинг биринчи яримйиллигига Республика бўйича 51291 нафар педагог ходимлар малакасини ошириш белгиланган бўлиб, айни пайтда режа 51745 (100,9%)га бажарилди.

Ҳалқ таълими тизимида 16ta малака ошириш институтида режа асосида ҳар йили 95 минг нафардан

доим иш қизғин. Бу ерда йигирма нафар ўкувчилик тикув ва трикотаж буюмлар ишлаб чиқариш бўйича сабоб олади. Болалар ва катталар учун бежирим кийим-кечак тикиши сирларини ўрганаётган қизлар ёзги таътилни самарали ўтказмоқда.

Суратларда: ўқитувчи Хуршида Кулмаматова Термиз ахборот технологиялари ва майший хизмат касб-хунар коллежи ўкувчилари Гулбахор Бўриева изомида Мамматуродова билан, тикувчиллик тўғрага.

**Фарҳод АБДУРАСУЛОВ  
(ЎЗА) олган суратлар.**

## БУГУН 1 АВГУСТ!

(Давоми. Боши 1-бетда.)

**Синов арафасида...**

Тест синови арафасида китобларни қайтадан ўқиши ёки қоидаларни тақорлайвериши тўғри эмас. Абитуриент кўпроқ тоза ҳавода бўлиши, тўйиб ухлаши, имтиҳон қандай бўларкин, каби ўйлар билан сиқилмаслиги керак. Имтиҳон олдидан тақорлаш акс натижага олиб келишини кўпчилик билади-ю, негадир, бунинг тескарисини қилади.

Яна бир муҳим гап. Абитуриент ўчукимнинг, айниқса, яқинларининг кўнглини оғримаслиги керак. Биронни хафа қилиб имтиҳонга кирган одамнинг омади кулишига ишониш қийин.

Таълимга эътибор — келажакка эътибор. Бугун таълим соҳасида ёшларга яратилаётган шарт-шароитлар кўнгилни тоғдай кўтаради. Юртимиздаги таълим муассасалари ўкувчи-ёшлари ривожланган мамлакатларда ташкил этилган таълим жараёнидан қолишибайдиган шароитда таҳсил олмоқда. Бу жиҳатдан ўзбек ёшларига ҳавас қўлса арзиди. Бундан ҳурматли абитуриентлар ҳам унумли фойдаланади, деб умид қиласиз. Катта синов оstonasida турган қалби пок, нияти тоза ёшларга эса муваффақият тилаймиз. Эзгу ниyalaringiz ҳаққи, юзингиз ёруғ бўлсин!

**Б.ФАЗЛИДДИНОВ**



## ТАЪТИЛ САМАРАЛИ ЎТМОҚДА

Мамлакатимиздаги барча таълим муассасаларида ёшларнинг бўш вактини мазмунли ташкил этиш, уларга илмий ва ижодий салоҳиятни ошириши, касб-хунар эгаллаши учун зарур шарт-шароитларни яратишга устувор аҳамият қаратилмоқда.

Термиз ахборот технологиялари ва майший хизмат касб-хунар коллежида ташкил этилган тикувчиллик, информатика, футбол ва волейбол тўғраклари ҳам ана шундай эзгу мақсадга хизмат қилмоқда.

Тажрибали ўқитувчи, мөхир чевар Хуршида Кулмаматова раҳбарлик курилиш-монтажни ташкил этилган түгра



СТР 1

# ЯНГИ ЎҚУВ ЙИЛИ АРАФАСИДА

**кимдир хотиржам, айримлар эса...**

Мустақиллик йиллари ёшларга эътибор давлат сиёсати ласига кирди. Ёзинг икки ойда, таътил кунлари ҳам тер даражасига кўтарилиди. Пойтахтдан тортиб чекка қиши тўкиб, синфоналару мактаб атрофини кўргулик қилиб қўйган жамоаларнинг бугун кўнгли хотиржам. Янги ўқув йилини ким қандай кутуб олаётганини билishiни истасангиз, ён-атрофдаги

бугунги кунда ҳам давом этаётir.

Айниқса, «Халқ таъ-

Dolzarb mavzu

мактаб-богчаларга бир кириб ўтинг, ҳақиқий вазият ой-

лими муассасаларини Мустақиллик байрами, янги ўқув йили динлашади.

ва куз-қиши мавсумига тайёр ҳолатга келтириши ойлиги»да

Мухбирларимиз жойларда кечётган қизғин жараён

қурилиш-таъмирлаш, ободонлаштириш ишлари авж пал-

хақида хабар беради.

**НАМАНГАН.** Ўкув йили якунланган кунлар. Тошбулоқдаги 22-умумталим мактабига нуроний отахон кириб келди. Билим маскени директори Мамлакат Ортикова меҳмонни кўрди-ю, чехрасига табассум инди.

— Ассалому алайкум, Жўрахон ота. Тонг саҳардаги мактабга ошиқбизсиз, тинчликмиз?

— Ваалайкум ассалом, кизим. Келишимнинг боиси, янги ўкув йили тараддудини бошлаб сизлар. Оқлаш, бўяш, ободонлаштириш юмушларининг ўзи бўлмайди. Шунга хиссами кўшай деб ният қўлгандим. Ахир, наира бо чеваралар шу ерда сабок олишга япти. Ёшларимиз кўркава шинам даргоҳларда ўқиса, бизга ҳам яхши-да. Хуллас, пенсия пулинидан бир қисмини ажратиб қўйгандим. Шуни таъмириш-таъмирлаш...

— Ҳимматингиз учун раҳмат. Аммо мактабни таъмирлашга давлатимиз етарли маблаг ажраттади. Сиз ўзингизни урнитирмасангиз ҳам бўлаварди.

— Аввало, мен ҳам шу давлатнинг фуқаросиман. Колаверса, зурриёдларимиз таълимтарбига олаётган даргоҳ менга ҳам бегона эмас. Биласан, қырк йиллик умрим шу ерда ўтди. Аввал ўзим ўқидим, сўнг ўқитдим. Энди ўғил-қизларимнинг болалари хат-савод ўрганишайтади. Пенсия пули экан деб андиша килаётган бўлсанг, бу ёғини ўйлама: рўзгоримиз бут, иззатимиз жойида.

Мактаб директори ана шуңдан кейин отахоннинг ҳимматига миннадорлик билдириди. Бир неча кун ўтиб, нурхона эшигигина яна бир меҳнат фахрийси — Тоҳижон ая Имомбердиева тақиллади...

Намангандаги 22-умумий ўрта таълим мактаби янги ўкув йилига шай. Сезид турганингиздек, таъмирлаш ва тайёрлаш ишларига ота-оналар, ташкилот ва муассасалар яқиндан кўмаклашди. Шу бос мактаб янги ўкув йилига барбақт ҳозирлаб қўйдилди. Ана ўнда тараддуд тумандаги мавжуд 42та умумталим ва 33та мактабгача таълим муассасаси

**ҚАШҚАДАРЁ.** Карши шаҳар халқ таълими муассасалари фаолиятини методик таъминлаш ва ташкил этиш бўлими тасаруфидаги мактаблар янги ўкув йилига тайёрларик бўйича тўплаган тажриба кўпчилик маңзур бўлмоқди. Шаҳар миқёсида «Тақдиримсан, баҳтимсан, эркин ва обод Ватан!» шиори остида «Энг обод мактаб», «Энг яхши сақланган фан қабинети», «Гулга кон мактаб» каби бир қанча танловларнинг ўтказилиши ҳар бир мактаб жамоаси учун рағбат ва зифасини ўтамоқда. Хусусан, 4-мактаб 2008 йили Давлат умуммиллий дастурига асосан жорий таъмирларни, қайta жиҳозланган эди. Мана, тўрт йилдирки, ўкув биноси ўз охорини ўйқоттани ўйк.

— Мактаб ва синфоналарни сифати сақлаш ва таъмирлаш ишларини биз фа-

сида ҳам олиб борилди. Мазкур максад ўйлида давлат бюджетидан 20 млн. 114 минг, ҳомийлар ва ички имкониятлар хисобидан 239 млн. 247 минг сўм маблаг сарфланди.

Ётиборга молик томони, аксарият илм даргоҳларидаги кўшимча маблаг топиш яхши ўйла-ганинг ҳозирлиги янги ўкув йили ва кузги-қиши мавсумга ҳозирлик кўришда кўл келди. Масалан, 37-умумталим мактабида 2011-2012 ўкув йили бюджетидан ташкири салким 14 млн. сўм маблаг жамаридилди. Қарийб 5 миллион сўм мактаб томоркасида етиширилган мева ва сабзавотлар ҳамда 4 сотих ерда ташкил этилган иссиқхона хисобига тўғри келади. Эртанги помидорнинг ўзи мактаб жамғармасига 2,5 миллион сўм фойда келтирилди. Ҳурмозордан ҳам шу миқдорда даромад олинди ва мактабни янги ўкув йили ҳамда кузги-қиши мавсумга тайёрлаш максадига йўналтирилди.

Ташаббускор ва янгиликка интиљувчан учкўрғонлик халқ таълими ходимлари эса ўкув йилига тайёрларни ва ободонлаштириш ишларига ўзгача ёндашдилар. Тумандаги мактаб ва мактабгача таълим муассасаларининг 876та ўкув, 310та кўшимча хонаси ва 47та спорт зали жорий таъмирланиши асосида санитария-гиёна, ёруғлик, намлик ва ҳаво алмашинуви, ҳарорат мөъёрлари ҳам мутахassislar ёрдамида талаб даражасига келтирилди. Зоро, бу кўрсаткичлар белгиланғанидан зиёд ёки кам бўлса, ўқувчининг самолатмилига салбий таъсири этиши билан бирга, билимларни ўзлаштиришини ҳам сустлаштириб юбориши мумкин. Ана шунни назарда тутиб, ҳар бир таълим муассасасида бунёдкорлик ишлари сифатини таъминлашга жиддий ўтибор қартирилган.

Умум олганда, Намангандаги мактабни вилоятидаги мавжуд 670та умумталим мактабида янги ўкув йили ва кузги-қиши мавсумга тайёрларик ишларини киска фурсатда якунлаш режалаштирилган.

**Фанишер АКБАРОВ,  
«Ma'rifat» мухбари**

каттина янги ўкув йилига тайёрларик кўриш дамларидаги эмас, аксинча, йил давомидаги аниқ ва пухта ишланган режа асосида олиб борамиз, — дейди директор С.Исмоилова. — Ҳар бир синф, фан кабинети, ўқува жиҳозларига масъул ходимлар биректирилган. Улар парта, стол-стуллар, кўргазмали куроллар сақлашини назорат қилиб боришида. Лозим бўлса, дарҳол таъмирлайдилар. Бирор-бир ўкув жиҳозига ноодатиги мусносабатда бўлган ўкувчи дўстона огоҳлантирилади.

Мактаб жамоасининг ота-оналар, худуддаги тадбиркор ва ишбилиарнолар билан ҳамоқиҳаткларда иш олиб бориши ҳам эътироға лойик. Норгул Мустафоқулова ташаббуси билан мактаб ота-оналар кенгаши томонидан таъмирлаш ишларига 1,5 миллион сўмлик ёрдам кўрса-тиди.

Нишон туманинг 19-

18-умумталим мактабида ҳам қаттий тартиб жорий қилингани боис таъмирлаш ишлари барвақт поёнига етказилиб, ўкув муассасаси янги ўкув йилига шай ҳолатга келтирилди. Таъмирлаш ишларига «Дун-М» ОАЖ томонидан 0,5 тонна цемент, тадбиркор Бобоназар Кулмуродов томонидан эса 1 миллион сўмлик курилиши материаллари етказиб берилди.

— Малъумки, қиши мавсумида эътиёж юкориличи боис кўп ҳолларда газ босимининг пасайши кузатилади, — дейди мактаб раҳбари Шаҳло Тошева. — Ана шунни ҳам гамлаб кўйдик. Мактабимиздаги иситиши қозони табии газ ва кўмірга мўлжалланган бундай пайтларда аскотади. Насиб этса, қорли-қирволи кунларда ҳам бизда иситиши бўйича ҳеч қандай муаммо бўлмайди.

Афсуски, тумандаги 18-умумталим мактабидаги тайёрларик ишларини ўлда-

**САМАРҚАНД.** Янги ўкув йили бошланишига ҳам кам қолди. Бунга таълим муассасаларининг тайёрлариги қай даражада, кузги-қиши мавсумга ҳозирлик ишлари ниҳоясига етдими? Шу каби саволларга жавоб олиш мақсадида Ургут туманинг 97-умумталим мактабида бўлдик.

Сўлим Испанла кишлогида жойлашган муассасада 300 нафарга якин ўйл-қиз таълим-тарбия олади. Улар учун мактабда барча шароитлар яратиб кўйилган. Бу ерда янги ўкув йили ва кузги-қиши мавсумга тайёрларик ишлари охирга етказилган.

— Дастрлаб мактабимизда чора-тадбирлар режасини ишлаб чиқдик, — дейди директор Худойберди Комилов. — Кейин ишни шу асосда ташкил этидик. Махалла фаоллари, ота-оналар ва ҳомийлар яқиндан кўмакчи бўлгани боис тайёрларик ишларини барабар қажардик. Мактабимиз кўмур билан иситилади. Айни пайдай пеҷлар таъмирларни, мўрилар тозаланди. Ўн тонна кўмурга буюрта берганимиз.

Мактаб ҳовлисига киарканси, бино жорий таъмирдан чиқарилди, янги ўкув йолатта келтирилганга гувоҳ бўласиз.

— Ўтган йили Президентимизнинг «2011 йил инвестиция дастури тўғрисида»ги қарори билан вилоят бўйича жами 59та, жумладан, янги курилётган ўй-жой массивлари худудларида бора мактабини куриш, 33та мактабни капитал реконструкция килиши ва 20та мактабни капитал таъмирлаш ишлари амалга оширилди, — дейди вилоят ҳалқ таълими бошқармаси бошлигининг ўринбосари Ю.Муҳаммадиев.

Ургут туманинг Бешбулоқ қишлоқ фуқаролар йигинидаги 360 ўринли янги мактаб биноси курилди, 33та мактабни капитал реконструкция килиши ва 20та мактабни капитал таъмирлаш ишлари таъмирланганда.

Жорий йилда Бюджетдан ташкири таълим муассасаларини реконструкция килиш, мукаммал таъмирлаш ва жиҳозлаш жамғармаси маблағлари хисобидан вилоятда 48та мактабни капитал реконструкция килиш, 8та мактабни капитал таъмирлаш белгиланган. Капитал реконструкция килинадиган мактабларнинг 15та-сида (12 та 12x24, 3та 9x18 ҳажмли) спорт зали курилдишини таъмирларни таъмирлайдилар. Айни пайдай бунёдкорлик ишлари тезкорлик билан амалга оширилмоқда.

Вилоятдаги бошқа барча умумталим муассасаларида эса янги ўкув йили ва кузги-қиши мавсумга тайёрларик ишлари ниҳоясига етказилади.

**Ҳаким ЖЎРАЕВ,  
«Ma'rifat» мухбари**

жўлдалигини кўриб, таъбимиз бироз хира тортди. Бино 2007 йили капитал таъмирдан чиқарилган бўлса-да, бугунги кунда аянчли аҳволдагидан таажжуланасан киши. Ди-ректорда янги ўкув йили ҳамда ўзлаш юниси курилдишини таъмирларик кўриш чора-тадбирлари тўғрисидаги иш режаси ҳам йўқ экан. Муассаса раҳбари Наргиза Махановдан бундай аҳволнинг асл сабаби нимада эканини сўраб, жўяли жавоб ололмадик. У фақат яқинда-гина иш бошланганини рўкач қилишдан нарига ўтмади.

25-мактабда эса директор Жамшид Эшкуловни топиб бўлмади. Тоби йўқлиги боис даволанаяти, дейиши. 624 ўринли бинонинг ташкири куринини чиндан-да салобатли бўлиб, киши ҳавасини келтиради. Лекин синфоналар янги ўкув йилига тайёр эмас...

**Ўқтам МЕЙЛИЕВ,  
«Ma'rifat» мухбари**



❖ Шофирик саноат ва миллий хунармандчилик касб-хунар коллежига "Ўзбекэнерго" давлат акциядорлик компанияси томонидан умумий киймати 43 миллион сўмлик гелиокурилма ўрнатилди.

Куёш энергиясини электр энергиясига айлантириб берадиган бу курилма колледжаги ўнта компютерни бемалол ишлатиш кувватига эга. Энг муҳими, ушбу муқобил энергия манбаидан фойдаланиш орқали бир йилда 3 минг киловатт соат электр энергиясини төхаб қолиш мумкин.

Гелиокурилманинг айнан мазкур касб-хунар коллежига ўрнатилиши бежиз эмас. "Бухоро электр тармоклари" акциядорлик жамияти тасарруфидаги ушбу ўкув даргоҳида ёш энергетиклар ҳам тайёрланади. Энди улар ўкув жараёндайдек муқобил энергия манбаларини ташкил этиш ва энергиядан оқилона фойдаланиш кўнкимларини янада пухта эгаллайди.

\*\*\*

❖ Марказий офицерлар саройида Ўзбекистон Республикаси Куролли Кучлари академиясининг навбатдаги битирувчиларига диплом ва кўкрак нишонлари топширилди.

Академия замонавий таълим жиҳозлари, жумладан, моделлашибириш ва симуляция воситалари, компьютер техникиси билан тўла таъминланган. Тингловчиларга юксак даражадаги профессионал билим ва кўнкимларга, педагогик ва профессионал ҳарбий малялага эга, замонавий ўкув-тарбия ишларининг шакл ва усусларини пухта эгаллаган тажрибали мутахассислар машгулот ўтади. Соҳадаги ислоҳотлар самарасида ўкиш ва амалий машгулотлар жараёни йилдан-йилга такомиллашиб бормоқда.

— Академияда ўкув ва тактик-амалий машгулотларда ортирган билим ва тажрибамишини энди армиямиз салоҳиятини янада ошириш йўлида сафарбар этамиз, — дейди подполковник Равшан Абдиев. — Миллий армиямизни ривоҷлантириш ва мустаҳкамлаш борасида кўрсататётган доимий эътибори ва фамхўрлиги учун Президентимиздан миннатдормиз.

\*\*\*

❖ Конимех туманидаги Учтепа овулида замонавий хизмат кўрсатиш мажмуси фойдаланишга топширилди.

"Кизилкўм" наслчилик ширкат хўжалиги худудида бунёд этилган янги мажмуда сартарошона, новвойхона, озиқ-овқат ва майший буюмлар дўкони ҳамда олти юз ўринли маросимлар залини ўз ичига олади.

— Мақсадимиз ахолига сифатида ва арzon хизмат кўрсатиш, унинг турларини кўпайтириш, фаолиятимизни кенгайтириш ҳисобига янги иш ўринлари очишидир, — дейди мажмуда раҳбари, тадбиркор Дўсен Таусигиров.

Фойдаланишга топширилган янги замонавий мажмуда ахолига катор қулайликлар яратиш билан бирга, овлу кўргига кўрк кўшиди. Бундан ташкири, ўн нафарга яқин йигит-қиз доимий иш ўрнига эга бўлди.

\*\*\*

❖ "Фуқаролар йигинларининг энг намуналини мәърифат ва маънавий-ахлоқий тарбия масалалари бўйича маслаҳатчisi" республика кўрик-танловининг Қашқадарё вилояти босқичи бўлиб ўтди.

Анъанавий тарзда ўтказиб келинаётган "Фуқаролар йигинларининг энг намуналини диний мәърифат ва маънавий-ахлоқий тарбия масалалари бўйича маслаҳатчisi" танлови соҳа вакилларининг жамиятда тинчлик ва осойишталикни, маҳаллаларда ижтимоий-маънавий муҳит барқарорлигини таъминлаш борасидаги ишларини янада яхшилаш, ўзаро фикр алмасиши, илғор тажрибаларни оммалаштиришга хизмат қўлимоқда.

Танловда иштирокчилар белгиланган шартлар бўйича тажриба ва маҳоратини намойиш этди. Якунда биринчи ўринга Шахрисабз туманидаги "Сариосиё" маҳалла фуқаролар йигини маслаҳатчisi Тамара Ориповна лойик кўрилди. Энди у танловнинг мамлакат босқичида иштирок этади.

ЎЗА ва maxsus муҳбирларимиз йўллаган материаллар асосида тайёрланди.

## Мактабда кўргазмали семинар

Ўқувчиларнинг юксак билим ва интеллектуал салоҳиятга эга бўлишида таълим муассасаларида яратилган шарт-шароит мухим аҳамиятига эга. Шу боис юртимиз билим масканаларида янги ўкув йилига ҳар томонлама пухта ҳозирлик кўрилмоқда.

Мирзачўл туманидаги 13-умумтаълим мактабида ҳам ўкув биноси таъмирдан чи-

қарилиб, синфоналардаги ўкув жиҳозлари, лаборатория асбоб-ускуналари ва электрон воситалар шай ҳолатга келтирилди. Шу муносабат билан мактабда вилоят ҳалқ таълими муассасалари ходимлари иштирокида кўргазмали семинар ташкил этилди.

— Ўтган йили мирзачўллик зиёлилар барча жабҳаларда эътирофга лойиқ

ютуқларга эришиди, — дейди мактаб директори Хушвақт Қаршиев. — Кўплаб ёшларимиз республика миёсидаги тадбирларда фаол қатнашиб, танловларда юқори натижаларни кўлга киритди.

Тадбир доирасида иштирокчилар мактаб жамосасининг ободонлаштириш бора-сида амалга оширган ишлари билан танишилар.

**Рахимбек ШАРИФЗОДА**  
Жиззах вилояти

## «Йилнинг энг иқтидорли ёш ихтирочиси»

Насиба Мўминова Чуст туманидаги 52-ихтирослашган давлат умумтаълим мактабининг 9-синфида ўқыйди. У яқинда «Баркамол авлод» болалар маркази томонидан ташкил этилган «Йилнинг энг иқтидорли ёш ихтирочиси» кўрик-танловида 1-уринни эгаллади.

Насиба интилувчанлиги ва ўткир зеҳни билан нафақат тенгдошларининг, балки устозларининг ҳам меҳрини қозонтанди. У ўқиши ва жамоат ишларда фаол бўлиши билан бирга, майда мунҷоқлардан чиройли буюмлар ҳам яратади. «Фоялар дарахти» номли ижод намунасида бунёдкор ва бузгунчи ғояларнинг инсон ҳаётига тасдири тасвириланган бўлса, ўзбек ва жаҳон аҳабиёти намояндalarinинг бисерли портретлари ҳам киши диққатини тортади.

Насибанинг ижоди билан танишии асносида сухбатга тортдик. У бугунги замо-

навий ёшлар қандай бўлиши керак, деган саволимизга кўйидагича жавоб берди:

— Тенгдошларимиз илғор фикрли, илмли ва касб-хунарли бўлиб, хорижий тилларни пухта ўзлаштиришлари керак. Чунки бугунги тезкор давр аниқ мақсад билан олга интилишини талаб этмоқда. Юртимизда ёшларга билим ва салоҳиятини намоён этишлари учун барча шарт-шароитлар яратилган. Шу имкониятдан унумли фойдаланиб, Ватанимиз равнақига ҳисса кўшишимиз даркор.

**Толибжон АБРОЛОВ**

## Ҳассос шоир хотирасига бағишлианди

Faafur Gulom nomidagi madaniyat va istiroxat bogida "Хотира — муқаддас" туркumida Ўзбекистон ҳалқ шоири Нормурод Нарзуллаев хотирасига бағишлианди ташкил этилган тадбир бўлиб ўтди.

Toшкент шаҳар ҳоқимлиги хотин-қизлар қўмитаси, маънавият тарғибот маркази, Ҳалқ таълими, Маданият ва спорт ишлари бошқармалари, Республика «Нуроний» жамгармаси, "Modern Art Music" халқаро профессорлерлик маркази ҳамкорлигига ташкил этилган тадбир барчанинг қалбida чукур таассусот қўлдири.

Хотира кечасида сўзга чиққанлар шоирининг ҳаёти ва ижоди, унинг она Ватан, муҳаббат ва садоқатни тараннум этувчи, қўшиққа айланиси мухлислар қалбидан чу-



кур жой олган шеърлари ҳақида сўзлади-лар.

Кеча яқунида санъат усталари ва ёш хонандалар томонидан шоир шеърлари асо-сида айтилган қўшиқлар томошабинларга мансур бўлди.

**М. АХМЕДОВА**

## Самарқандни гулга буркаймиз!

Гулларга бўқдан кишининг кўзи кувнайди, дили яйрайди, қалби ёришиди. Зоро, ранг-баранг, анвойи гуллар файз-тароват, завқ-шавқ, эзгулик манбай саналади. Буни қалбдан аংглаган самарқандлик Муқимжон Орипов ҳовлисида гулларнинг турли навларини ўстириб кельмоқда. Унинг гулларидан нафақт оила азольари, балки маҳалла аҳали, мактаб ўкувчилари ҳам баҳраманд бўлади. Табиатсевар ўкувчилар ҳозирги таътил мавсумини Муқимжон аканинг гулхонасида гулларни парвариши билан ўтказишмоқда.

Муқимжон ака иккى йилдан бўён Самарқанд шаҳар ҳалқ таълими муассасалари фаолитини методик таъминлаш ва ташкил этиши бўлими билан ҳамкорликда ўкувчи-ёшларнинг экологик маданиятни юқсалтириш мақсадиди. «Самарқандни гулга буркаймиз!» акциясини ўтказиб кельмоқда. Якунда ўтган шундай тадбирларнинг бирда саҳоватнеш гуллии Самарқанд шахриданаги

20ta умумтаълим мактабига 4500ta гул кўчачтани тухфа этиди. Унинг бу ташаббусини ўкувчилар ҳам манмуният билан қабул қиласиган. Ҳусусан, шаҳардаги 9-умумтаълим мактабининг юқори синф ўкувчилари «Ҳар бир боланинг ўз гули бўлсин!» шири остида тувакла гул ўстиради. Таътил кунлари уйга олиб кетилган гуллар ўкув иши бошида парваришига қараб баҳоланади.

— Таълим муассасалари ва тураржойларни, шаҳримиз кўчаларини гулларга буркаш, кўкаламзорлаштириш ишларига ёшларни жалб қилиш мухим аҳамият касб этади. Ўғил-қизлар гулхонада гулларнинг турларини ўрганади, энг муҳими, уларни парваришилаб меҳнатда тобланади, — дейди Муқимжон Орипов.

Муқимжон ака маърифатпарвар шоир Ориф Гулханининг невараси бўлиб, бобосининг уй-музейини ташкил этиди. У ерда ижодкор ёшлар иштирокида турли бадий кечалар уюштирилади. Бир сўз билан айтганда, Муқимжон Ориповнинг барча саъи-харакатлари ёшлар камолотига йўналтирилган.

**Ёқуб АМИНОВ**

Инсон табиатнинг энг олий мӯъжизаси. Шундай экан, шу ёргу оламда умргузаронлиг қиласётганимиз, тўрт му-  
чамиш саломатлиги, имкониятимиз даражасида ҳалол меҳ-  
нат билан хамиятта нафисим тегаётганинг ўзи баҳт! Ана шундай шукроналик ҳисси билан яшаш миллатимиз-  
га хос гўзал фазилатлардан бири. Лекин ҳаёт йўллари  
бизга ҳамиша хотиржамлиқдек неъматни ҳадя этавер-  
маслиги ҳам бор гап. Баъзида алам, тушкунлиқ, армон,  
изтироб руҳиятимизни кемираиди, бундай кезларда тас-  
кин излаёттун кўнглиминиз ақлимизинг тўғри хулоса чи-  
каришига изи бермаслиги ҳам ҳеч гап эмас! Хўш нима  
қильмоқ керак? Эртага фарзандларимизнинг турмуш чи-  
галиклиари қаршисида охиз қолмаслиги, янглиш қадам  
ташламаслиги, матнавий иммунитетининг ҳар томонла-  
на мумкаммал бўлумоги учун уларни қандай билимлардан  
вокиф қилмогимиз керак? Назаримда, психология илми  
ва хизмати хусусида тушунча бермок, ана шу билимлар  
кувватидан руҳиятни озиқлантириб туриш даркорлиги-  
ни англата билмогимиз шарт.

Биз уюштироңкын жөржалаштырган сұхбатларымыз бу борада сизге ёрдам беради, деген умиддамыз. Психология фанлари номзоды Зухра АБДУРАХМОНОВА билан бұлған биринчи мұлакотимын мавзусы янги ҳәтт осто-насида турған ўшларнинг қарор қабул қилишларидаги нозигүз жиһаттар ва бу мүносабатларнинг дүнгә келажаға фарзанды таъсири, гұдакни олам билан танишириши амалларынин ақамиятын хүсусида борди.

холг суҳбатида ҳам бўл-  
ишлари жоиз ва бу хусус-  
да ота-оналар бош қотир-  
моклари керак.

— Жуда түгри масалани ўттага ташладингиз. «Маънавий иммунитет» деган тушунчабор. Мұхтарам Юртбошимиз «Юксам маънавият — енгилмас күч» эканини ўз асарларидатрофикалық өрітіп бергенлар. Чиндан-да, замондошларимизнинг онгу шуурида анашу комилликнинг сайқалтопиши мухим ўрин туаты. Мен баъзы холатларни кузатып, түгриси, жуда афсуланаман. Дейілік, вояга етган қыз турмуша чиқадыган йигити биландир-икки бор учрашиди. Кейін «Совасини олибди», дейишиди-ю, унаштириб күйшади. Күп ўтмай түйлары бұлғаннаны эшитасиз. Инсоннинг тақдирини белгиловчашундай нозик масала осонги-

жиҳатдан ўз таъсирини ўтказмай қолмайди.

Кузатиш ва таҳлиллар донон халқимизнинг ҳар бир нақли нечоғлик топиб айтилганини кўрсатади. Дейлик, фарзандларни оиласи қилиш масала-сида «төнгини топиб бериш» хусусида кўп бора тўхталинган. Ота-она фарзандуни тезроқ уйли-жойли қилиб зиммасидаги «юқуни енгиллатиш» хакида эмас, етти ўлчаб бирекесишида дилбандларига маънан, рухан кўмакдош бўлиши тўғрисида кўпроқ қайгуриши даркор. Бу «төнглик» биринчи навбатда руҳий якинлик, қараашларнинг муштараклиги, орзу-ҳавас, интилишларнинг бир-бирини инкор этмаслигига билан белгиланади. Киз илменинг этагини маҳкам тутса-ю, йигит унинг бу меҳнатларини назарга ҳам илмаса ёки асин-ча. Хўш, кутиш умид қилиши.

*Ruhiyat olamı*

инъом этиш мумкин? Келинг, шу саволга жавоб излайлик: ҳомиладор аёлнинг кўнглидан кечган ҳар бир ўй вужудида улгаяётган жоннинг, таъбир жоиз бўлса, миасидаги чизги ларда ўз аксими топаверади. Онанинг илиқ, муносабатларга бўлган ташниалиги қондирилиши, туғилажак гўдагининг яқинлари томонидан меҳр, умид билан кутилаётганини хис этиб туриши, кўнглидаги севги, меҳр-муҳаббатга муносаб жавоб топа олётганини, жамоа орасиди, оиласда ўз ўрнига эгалиги, яхши орзу-умидлар билан турмуш кечириши, келажакка ишончи... Хуллас, аёлнинг атрофидаги олам, унинг вақтида дам олиши овқатланиши — ҳамма-ҳаммаси болалинг эртага «севувчи» бўлиб дунёга келишини таъминловчи омиллардир. Болалугиди, энди унинг ҳам эхтиёжларини қондириш керак. У ота-она меҳри, самимий муносабатлар оғушида эканини хис этиб улгайса, «севувчалиги» орта боради ва ҳамиша ишонч билан одинга иштилади, эзгу амаллар қилишга кўнглидан рагбат топади. Бора-бора бу интилиш ижодий қобилият билан ўй гунлашиб, танлаган соҳасини мукаммал эглалаган шахс камолга етади.

Биз кўпинча беланчакда ётган уч-тўрт ойлик гўдакка нисбатан «Хали ҳеч нарсани тушунмайди» деган муносабатда бўламиз. Бу — мутлақо но-тўғри қараш. Айтайлик, унинг нигоҳи дераза ток-часида турган узукка тушди ва қайта-қайта шу томонга қараапти. Буни сезган она узукни кўлига олиб, болага яқинро туғтанча, бу узук, дейлик, тилодан ясалган, ёкўт кўз қадалгани, отаси уни онасига муҳаббатларининг рамзи сифатида совфа қылгани каби маълумотларни майн овозда дона-дона қилиб айтиб берishi керак. Шундай мумомла, эътибор таъсирида боланинг онгидга тасаввурлар пайдо бўла-ди, кенга боғари.

ди, кенгай борада.  
Сиз тилга олиб ўтганингиз-дек, олманин тагига олма тушиди. Аммо ғуж-ғуж генетик қобилиялар билан дунёга келган бола ҳам, бу иқтидорни ривоҷлантириувчи мухитга тушмас экан, истеъоддининг том маънода бўй кўрсатиши жуда кийин масалада. Баъзида «Фалончининг отаси ёки онаси қандай одамлар эдия, боласи уларга тортмабди...» кабилидаги гаплар ҳам кулоқча чалинади. Бу оқибатнинг илдизига назар ташласангиз, таажӯубингизга, албатта, жавоб топасиз. Сўзимиз ибтидосида айтиб ўтганингиздек, маънавий иммунитет тарбияси ташки салбий таъсирлардан ҳимояланиш, намуна бўлгумлик ибратлардан андоза, кувват олиш бобида ҳам ниҳоятда аҳамиятлади.

**Ойбуви ОЧИЛОВА  
сүхбатлашди.**

инсоф тилаш қаңонға ас-  
вазифасынін ўтамоги мүмкін?  
Кезі келганды яна бир ҳәйті-  
дадилни тиға олиб ўтмоқчи-  
ман: оила куриш бобида зру-  
хотин танлаган касбларнинг  
бир-биригә яқынлығы, меңнат  
қылаётган соxaларидаги  
ўшашшылк уларни ҳамкору ҳам-  
маслак, ҳамсұхбат сиfатида  
дұстға айлантириши ва бу ҳам-  
оила мұстажхамлғы йўлida  
хизмат қылиши күп бора ис-  
ботланған.

— Мавзумиз доирасида халқ нақлларига мурожаат этдингиз. Шундан келиб чишиб, ирсият масаласи, унинг авлодлар камолотига таъсири, жуфтликларнинг кўнгил кечинмаларини ҳомила нечолик ҳис этиши, дунёга келган гўдаг билан илк мулокотлар хакида фикр юритсан. Тилдан тилга кўчиб келаётган «Олманинг тагига олма тушади» деган ибора бор. Бу «олманташки мухитлардан ҳимоялиниш ёхуд кувват олиб тувиши шартми?»

— Хар кандай инсон ўзи билан «генетик дастурлар»ни бирга олиб юради. Гап унинг аждодларидағи қандай хислатларни қабул қылғаны ва оиласындағы мұхит таъсирида ривожлантыра борганинда! Бола ҳәттін, дүнени, ота-ноасы ва ўзини күршап тұрган оламны сөвүчи бўлиб дунёга келиши ва улғайши керак. Шундагина у келажақда ўзидиги барча қоби-лиятларни намоён эта олади, атрофидагиларға меҳр-мухабbat улашади. Хўш, қандай килип унга бу негматтарни

**P.S.** Мұхтарам газетхон, сұхбатларимизнинг навбатдаги мазусын инсоннинг касбій маҳорат чүккиси томон интилиши ва бу борада ота-она ҳамда таълим мұрасасаларининг яқдил ҳаракати, аҳамияти хуаншы болады.

*а қандай ришта бор?*

1-суҳбат

— Аввало, психологик билим ва хизмат тушунчаси хусусида тўхталиб ўтсангиз. Нега психологияни фансифатида ўрганиш, психология хизматидан фойдаланиш асримизнинг энг муҳим масалалари қаторига кўтарилди?

— Содда тип билан айтадыган бўлсак, психология инсон қалби, унинг интилишлари, хоҳиш-истаклари ва шу эҳтижарлари қондириш кўлумини ўрганиди. Одамзода кўнгил деган салтанат борки, у юрак, бўйрак сингари органлар қаторида ийк. Лекин кўнгил яираса, олам яшнайди, кўнгил оғриси, дунё зиминостга айланади. Айни пайтда, инсоннинг қалбини тушунмок учун унинг феъл-автор, темперамент сингари хусусиятларидан боҳабар бўлмоқ керак. Психология илмининг зарурати, психологик хизматнинг нечоғлик мухимлиги айнан бугунги кунгага келиб олдигини кеттера николари шаклланishiغا, эр-хотин, ота-она бўлмокнинг бурч ва масъулияти нималардан иборатлигини атрофичка тушунишига, рўзгор факат севигига таянмаслиги, унинг ўзига яраша оғир-енгил, паст-баланд йўллари борлигидан вokiфи бўйлагн ҳолда катта ҳётта ўзларини тайёрлай боришига имкон яратади. Кези келганда айтӣ ўтмоқчиманки, психологик ёрдам фишт қолипдан кўчиб, томонларнинг бир-бирiga ёт кимсаларга айланганида кўрсатилиладиган хизмат эмас, балки ана шундай ҳолатларнинг олдини олишга руҳдан ҳозирловчи илм, амал вазифасини ўтамоти жоzi.

га келиб олдинги қаторга чиққани масаласига келсак, давр шиддат билан янгиланыпти, ривожланыпти. Бу тарақкүёт инсон оламини ўрганиш ва шу асосда муносабатта киришиш-дек заруратни ҳам түгдираётганини, факат қасбий маҳорат эмас, мумала мадданияти ҳам нечоғлик муҳим аҳамиятга эга эканини бизга янада теранроқ аংглатыпти, десам муболага бўлмайди.

— Жорий йилимизнинг «Мустаҳкам оила йили»номини олишиён оиласининг жамиятдаги ўрини нечоғлик муҳим аҳамият касб этишини кўрсатиб турибди. Оиласининг мустаҳкамлиги эса, ба гўша сари ташланган илк қадам, яъни инсоннинг ўзига муносиб жуфт танлаши ва бу хусусидаги карорига кўп жиҳатдан дахллор, десак янгилишмай-

Жамият ҳаёти, тараққиети ва маనавий мухитининг қарор топа боришида инсоннинг, демакки, оиласнинг ўрни катта. Ватан бағридаги Ватан саналган оиласда шахс камолга етади. Хонадондаги мухит, шарт-шароит, фарзандларнинг саломатлиги, ўқиши, касбхунар етгалиши каби жиҳатларга користиётсан ол тобе-

**Замонавий ахборот-коммуникация технологияларидан самарали фойдаланиш таълим самарадорлигига эришишда мухим омилдир. Кувонарлиси, мамлакатимида бу борада ўзига хос тажрибага эга умумтаълим мактаблари талайгини.**

Фарона шахридаги 40-ихтинослаштирилган давлат умумтаълим мактаби машгулотларда ахборот технологияларидан самарали фойдалана оладиган ўқитувчилари билан тилга тушган. Бунга 2008 йили мактаб директори ташаббуси билан «АКТдан фойдаланиш: ким энг яхши дарс ишланмаси яратади?» мавзусидаги шакллантирилган соғлом ракобат мухити сабаб бўлди.

Айтиш жоизки, мактабда компьютер саводхонлиги дарсларини ўтиш

Муассаса бежиз дарс жараёнида АКТдан фойдаланиш бўйича таянч мактаб хисобланмайди. Қолаверса, таълим маскани 2011 йили «Энг намунали мактаб сайти» кўрик-танловининг республика босқичида биринчи ўринни эгаллади. Бунда сайт ижодкори, информатика фани ўқитувчиси Егор Семизоровнинг хизматлари катта бўлди.

— Педагогларимиз мавзуни кенг тушунтириша ахборот-коммуникация технологияларидан унум-

ота-оналар ҳам кўпчиликни ташкил этади.

Математика фани ўқитувчиси Игорь Ян ҳамда рус тили ва адабиётни фани ўқитувчиси Эльмира Салаҳутдинова 2011-2012 ўкув йилида «АКТ ва илгор педагогик технологиялардан фойдаланиш ўтиладиган дарс ишланмаси» республика кўрик-танловида 3-уринни кўлга киритди. Бу муваффақият жамоага катта масъулнинг юклид.

— Танловда иштирок этиб, ҳали жуда кўн ишланшимиз кераклигини англа-

## Ta'linda AKT

### МЕХНАТНИ ЕНГИПЛАТИБ, САМАРАДОРЛИГИНИ ОШИРАДИ

Педагог ходимларнинг ахборот-коммуникация технологияларидан фойдаланиш кўнимасини ошириш мактабида Ҳалқ таълими вазирлигининг бўйругига асоссан, Сурхондарё вилояти ҳалқ таълими бошқармаси томонидан ташкил этилган киска муддатли ўкув курсларида 173 нафар сараланган информатика фани ўқитувчиси тренер килиб тайёрланган ёди. Улар иштирокида худудлардаги таянч мактабларда ҳам ўкувлар ўтказилиб, ўқитувчиларнинг АКТда ишлаш кўнимаси шакллантирилди. Тингловчилар ҳақидаги маълумотларни вазирлик сайти([www.akt.uzedu.uz](http://www.akt.uzedu.uz))га киритиб борилди. Киска муддатли курсларда иштирок этиб, интернетдаги синов тестларида 70 балдан юкори натижага эришган ўқитувчilar сайтнинг маҳсус сертификатига эга бўлди.

Вилоятдаги 851 таси таълим мусассасасининг 781 таси «ZiyoNET» ахборот-таълим тармоғига уланган. Провайдерлар ҳамкорлигига мактабларда уюштирилган семинар-тренингларда ўқитувчилар электрон ресурслардан фойдаланиши, маълумотлар юклаб олиши, янгиликларни киритиш, мактаб ва мактабгача таълим мусассасалари сайтиларни ўзгартириш бўйича кўнималарини мустаҳкамлади. Натижада, ўтган ўкув йилида умумтаълим мактаблари учун яратилган 652та электрон дарслер ва усбу кўлланмадан амалиётда фойдаланилди.

Ўкув компьютер синфларидан фойдаланиш самарадорлигини ошириш юзасидан вилоят таълими бошқармасида доимий мониторинг ўрнатилиган.

